

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ОМОНИЛЛА САЙДАМИНОВИЧ

**КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ТАДҚИҚОТИ
(«Тошкентшаҳаргаз» филиали мисолида)**

08.00.14– Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD) on
Economics Scinces**

Умаров Омонилла Сайдаминович

Коммунал тўловлари жараёнларини ахборот тизимлари асосида самарали
ташкил этишнинг тадқиқоти («Тошкентшахаргаз» филиали
мисолида).....3

Умаров Омонилла Сайдаминович

Исследование эффективной организации процессов коммунальных платежей
на основе информационных систем (на примере предприятие филиала
«Ташкентшахаргаз»).....23

Umarov Omonilla Saydaminovich

Research of effective organization of communal payments processes on
the basis of information systems (in case of "Tashkentshahargaz" enter-
prise).....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ОМОНИЛЛА САЙДАМИНОВИЧ

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ТАДҚИҚОТИ

(«Тошкентшаҳаргаз» корхонаси мисолида)

08.00.14– Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2017

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD /iqt.189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ва «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бегалов Баходир Абдусаломович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кенжабаев Аман Турғунович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Султанова Соня Махмудовна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998 71) 239-28-72; Факс: (998 71) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (998 71) 239-28-72; Факс: (998 71) 233-60-01. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Р. Х. Алимов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, табиий газ коммунал тўловлари жараёнларини автоматлаштириш соҳасида замонавийлик ва инновация жиҳатдан Швеция, Финляндия ва Франциянинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари (AMR- Automatic Metering System) бугунги кунга қадар мувафақиятли натижа бермоқда. Ушбу тизим абонентлар ҳисобини юритиш, кўрсатиладиган хизматлар тўпламини ўзгартириш, тўловларининг турли хил усулларини ҳисобга олиш, абонентларнинг қарзларини назорат қилиш, туман, шаҳар ва вилоят даражасида таҳлилий ва статистик ҳисоботларни тайёрлашда хизмат қилмоқда.

Жаҳон амалиётида кенг қамровли ва юқори самарадорликка эга бўлган коммунал тўловлари жараёнларига замонавий технологияларни жорий этиш амалиётида смарт технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Мамлакатимизда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида АКТларни жорий этиш, фуқароларнинг ахборотларга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Миллий иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларига АКТни жорий этиш борасида коммунал тўловлари жараёнларига автоматлаштирилган ўзаро ҳисоб-китоблар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ҳужжатларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, абонентлар билан тезкор ишлаш, абонент тўлаган маблағни ҳисоблаш, абонентлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини шакллантириш орқали кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундиришда ахборот тизимларини самарали ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунга келиб республикаимизда коммунал хўжалигини самарали ташкил этиш бўйича чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, аҳолидан коммунал тўловларни электрон ва нақд пулсиз қабул қилишда аҳоли пластик карточкалари асосида ҳисоб-китобни амалга ошириш йўлга қўйилди. Бироқ, табиий газ коммунал хўжалиги хизматларини ташкил этишда, коммунал тўловлар нархларининг ўзгариши ва хизматлари учун тўланадиган тўловларни ўз вақтида ундирилиши каби муаммоларга дуч келинмоқда. Шу сабабли, коммунал тўловлари жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «Иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, мамлакатимизда «Энергия ресурслари бўйича қарздорлик ҳолатини онлайн тарзда кузатиб бориш имконини берувчи замонавий электрон тўлов тизимларини ривожлантириш паст даражада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

колмоқда»². Бу ҳолат, коммунал тўловлари жараёнларини ахборот тизимлари асосида самарали ташкил этишни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармонлари ва 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодийнинг турли тармоқ ва соҳаларида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан самарали ва комплексли ёндашган ҳолда фойдаланиш масалаларига хорижий олимлардан С. Спакер., Ж. Дженэт., С. Ван Дюк., С. Дербилар коммунал тўловлари жараёнларини автоматлаштириш, смарт технологияларини жорий этиш, табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва самарадорлигини оширишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган³.

Иқтисодийнинг турли тармоқ ва соҳаларида ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш масалаларига МХД олимларидан И.А. Рудаков, Р.И. Орлова, Л.К. Зайцев, А.З. Пронин, Л.Н. Чернышов, В.К. Курилов, А.Н. Романов, Б.Е.Одинцов ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.⁴

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмолини қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 30 май.

³ Parker, S. et al. (2015) Metering best practices: a guide to achieving utility resource efficiency. Pacific Northwest National National Library Papers. PNNL-23892.; Genet, G. (2010) Designing a metering system for small and medium sized buildings. Schneider Electric Research Papers. 12/2010. Van Dyck, C. (2011) Smart gas metering on the move in Europe. Metering International Issue. 4/2011. Darby, S. (2006). The effectiveness of feedback on energy consumption.: a review of defra of the literature on metering, billing and direct displays. Environmental Change Institute of University of Oxford Working Papers. 6/2006.

⁴ Рудаков И.А, Автоматизация начисления и учета жилищно-коммунальных платежей. Монография, - М.: «ЭКОН-ИНФОРМ», 2002.-171 с.; Орлова Р.И., Зайцев Л.К., Пронин А.З. Экономика жилищно-коммунального хозяйства - М.: Стройиздат, 1988-270 с.; Чернышов Л.Н. Экономика городского хозяйства М.: «Люберецкая газета», 2004.-325 с.; Курилов В.К. Расчет систем газоснабжения городов и населенных пунктов: Учебное пособие. - Редакционно-издательский отдел Ивановской архитектурно-строительной академии, 1998. -86 с.; Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Информационные системы в экономике(лекции, упражнения, задачи): Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2006.-300 с.

Республикамиз олимларидан В.Қ. Қобулов, Б.Ю. Ходиев, А.А. Мусалиев, Д.М. Расулев, Б.А. Бегалов, А.Н. Арипов, А.Т. Кенжабоев, И.Е. Жуковскаялар АКТдан миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг турли муаммоларини ҳал қилишда фойдаланишнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўзларининг ил-мий ишларида ёритиб беришган. Улар Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида автоматлаштирилган ахборот тизимлари, иқтисодий информатика, ҳисоблаш техникасидан оптимал фойдаланиш, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари маркетингини ташкил қилиш бўйича ўзларининг катта илмий ҳиссаларини қўшишган.⁵

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ “ФМ-9. Миллий иқтисодиётни турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникатив технологияларни самарали тадбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот тизимлари асосида коммунал тўловлари ҳисоб-китоби жараёнларини самарали амалга ошириш ҳамда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ахборот таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коммунал тўловлари жараёнларида ахборот тизимларининг ўрни ва аҳамиятини назарий асослаш;

коммунал хўжалиги томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари ва тўланадиган жорий тўловларни таҳлил қилиш;

тўловлар ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш йўллариини таклиф этиш;

коммунал тўловлари ҳисоб-китобини амалга оширишнинг ахборот таъминотини тадқиқ этиш;

тўловлар ҳисоб-китобини амалга оширишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий қилиш;

ахборот тармоқларини коммунал хўжалиги бошқарув бўғинларига жорий этиш;

ахборот тизимларини коммунал тўловлари жараёнларига жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

⁵ Қобулов В.Қ. Алгоритмизация в социально-экономических системах.- Т.: Фан, 1989.; Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Ташкент.: Фан, 2007.- 342 с.; Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (Банклар инвестицияси мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.:Фан ва технологиялар, 2003 йил, 40 б.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация иши. Т.:2001.-330 б.; Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.– Т.: 2004.; Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2005.-32 б.; Жуковская И.Е. Исследование процессов эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в туризме. Автореф. дис. канд. эконом. наук.. – Т.: 2010. -22 б

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Тошкент шаҳри туманлари табиий газ тўловларини амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатаётган “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, табиий газ тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий фаолиятга ахборот тизимларини жорий қилиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, танлаб тадқиқ қилиш усуллари қўлланилган. Амалий тадқиқотлар иқтисодий-математик усуллар ва кўп омилли эконометрик таҳлилларга асосланган. Шунингдек, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, умумлаштириш, қайта ишлаш, синтез усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда маълумотлар базасини оптимал ташкил қилишнинг дастурий-технологик таъминоти ва ягона оператор тамойили асосида шаҳар (туман) газ етказиб бериш ҳисоб-китоб йиғма балансларини тайёрлаш ва уларнинг мониторингини юритиш технологиялари такомиллаштирилган;

газ етказиб бериш босқичларида умумий газ йўқотишлар миқдорини тўғри ҳисоблаш ва истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар ҳажми тўловларининг объектив ва тезкор назоратини ахборот тизимлари асосида ташкил қилиш асослаб берилган;

рақобат муҳитида табиий газни истеъмолчиларга сотиш бўйича электрон савдо майдончаси фаолиятини ташкил қилиш асосланган;

истеъмолчилар билан газ етказиб берувчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларга сарфланадиган меҳнат харажатлари ва уларда ахборотларни киритиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга кетган харажатларни ахборот тизимларини кенг жорий қилиш натижасида камайтириш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ахборот тизимларини кенг жорий қилиш ҳисобига меҳнат харажатлари, ахборотларни шахсий компьютерда қайта ишлаш харажатлари, қарор қабул қилишда фойдаланилган ахборотларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва тезкорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган;

коммунал тўловлари ҳисоб-китоб жараёнларига ахборот тизимларини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари таклиф қилинган;

етказиб берилаётган газ ҳажмларини охириги истеъмолчига етиб бориш босқичларида (бўғинида) ўғирланишларини олдини олиш мақсадида локал ахборот тармоқларининг функционал имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

коммунал тўловлари жараёнларига ахборот тизимларини кенг жорий қилиш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларни амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган ахборот тизимларини қўллаш

натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда асосланган назарий, услубий ва амалий тавсиялар ҳамда ишланмалар Тошкент шаҳар туманларида табиий газ таъминоти коммунал тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, тўловларни амалга оширишнинг самарали тизимини жорий қилиш борасида ахборот тизимлари ва автоматлаштирилган иш ўринларини яратишда ҳамда амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида олинган илмий натижалардан “Тошкентшаҳаргаз” корхонасининг Тошкент шаҳар туманларида табиий газ таъминотининг ҳудудий бўлимларида истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш ҳаражатларини ҳисоблаш тизимини юритишда ва компьютер дастурий воситаларини улар фаолиятида кенг жорий этишни такомиллаштиришда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коммунал тўловлари жараёнларини ахборот тизимлари асосида самарали ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда маълумотлар базасини оптимал ташкил қилишнинг дастурий-технологик таъминоти ва ягона оператор тамойили асосида шаҳар (туман) газ етказиб бериш ҳисоб-китоб йиғма балансларини тайёрлаш ва уларнинг мониторингини юритиш технологиялари “Ўзтрансгаз” АКнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзтрансгаз” АКнинг 2017 йил 7 декабрдаги №02-03-23АСУП-663/7649 сонли маълумотномаси). Бу минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида назарда тутилаётган интеграл ахборотлар механизмлари ва табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор доирасида ўзаро ҳисоб-китоблар механизмлари газ тизимлари объектларининг оптимал ишлашини таъминлаб берди. Натижада, табиий газ корхоналари вазибалари ва ваколатлари доирасида аҳолига етказиб берилган газнинг ҳажми, аҳолига кўрсатилган хизматлари учун ундириладиган тўловлар ҳажми бўйича ахборотлар автоматлаштирилган ҳолда қайта ишланиб, тўпланган маълумотлар асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга эришилган;

газ етказиб бериш ҳисоблари баланси маълумотлари, газ йўқотишларни ҳисоблаш, кўрсатилган хизматларни автоматик равишда акс эттиришни объектив ҳисобини юритишни амалга ошириш бўйича ахборот тизимларининг функционал имкониятларидан “Тошкентшаҳаргаз” корхонаси амалиётида фойдаланилди (“Ўзтрансгаз” АКнинг 2017 йил 7 декабрдаги №02-03-23АСУП-663/7649 сонли маълумотномаси). Унга кўра тезкор баланслар сервери ёрдамида мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб беришнинг ахборотлар манбаини тайёрлаб, газ етказиб бериш балансини тезкор назорат қилишни ташкил этиш ва шаҳар газ корхонасининг газ етказиб беришининг йиғма баланслари шакллантирилди. Натижада 2017

йилнинг 2 чорак маълумотларига асосан, Тошкент шаҳри бўйича табиий газ коммунал тўловларини дебиторлик қарздорлигини ундириш бўйича тушган тушум 9 556 млн. сўмга кўпайган;

тармоқнинг газ ишлаб чиқарувчилари томонидан истеъмолчиларга газни етказиб бериш бўйича рақобат муҳитини шакллантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари негизида электрон савдо майдончаси фаолиятини йўлга қўйиш технологияси бўйича берилган таклифлар “Ўзтрансгаз” АКнинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзтрансгаз” АКнинг 2017 йил 7 декабрдаги №02-03-23АСУП-663/7649 сонли маълумотномаси). Натижада газни ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш такомиллаштирилган;

ахборот тизимларини кенг жорий қилиш ҳисобига коммунал тўловларини амалга оширишда сарфланадиган ҳаражатлар 48 фоизга камайтирилган (“Ўзтрансгаз” АКнинг 2017 йил 20 октябрдаги №02-03-615/6431 сонли маълумотномаси). Коммунал тўловларини амалга оширишда ахборот тизимларини қўллаш натижасида 42, 03 млн. сўм иқтисодий самарага эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 илмий иш, жумладан 1 та монография, маҳаллий журналларда 11 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та мақола, шунингдек илмий-амалий анжуманларда 13 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Миллий иқтисодиётни модернизациялашда аҳолига коммунал хизматларини кўрсатиш ҳолатининг таҳлили**” деб номланиб, миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида коммунал хўжалиги томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳолатининг таҳлили, коммунал хизматлари учун аҳоли томонидан тўланадиган жорий тўловлар таҳлили, коммунал тўловлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш жараёнларига ахборот тизимларини жорий қилишдаги муаммолари кўриб чиқилган ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ёритиб берилган.

Тўлов тизимида ўз ўрнига эга бўлган нақд пулсиз ҳисобларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса аҳоли томонидан коммунал тўловларини ўз вақтида тўланишини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот тизимларини (ААТ) жорий қилиш усул ва технологияларидан кенг ҳамда самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳам истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Уй-жой коммунал тизимлар фаолият самарадорлиги, барқарорлиги ва ишончилигини ошириш, бир вақтнинг ўзида нооқилона харажатларни қисқартирган ҳолда хизматлар сифатини яхшилашга шаҳар уй-жой фондиди бошқариш учун хўжалик юретишнинг янги оқилона шакллари жорий этиш йўли билан эришиш мумкин. Улар жумласига кўп хонадонли уйлар ва тутах худудларнинг самарали бошқарилишини таъминлашга йўналтирилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари, хусусий бошқарув компаниялари киради.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, уй-жойларни табиий газ билан газлаштиришнинг ўсиб бориш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 1991 йилда шаҳар аҳолиси 44,6 %, қишлоқ аҳолиси 19,3 % ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб эса монан 97,4 % ва 86,2 % ташкил этган (1-расм).



1–расм. Уй-жойларни табиий газ билан газлаштиришнинг ўсиб бориш динамикаси⁶

Тадқиқотларимиз таҳлилидан кўриниб турибдики, 2004 йилга нисбатан 2016 йилда табиий газнинг истеъмол ҳажми деярли 2,2 млрд.м³га камайган. Бунинг асосий сабаби республикада аҳоли хонадонларига газ сарфини ҳисоблаш ускуналарини ўрнатилиши оқибатида табиий газни тежамкорлигига эришилди. 2016 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида

⁶ “Тошкентшаҳаргаз” корхонасининг 2010-2016 йил ҳисоботларидан олинган.

мавжуд 121 шахарнинг 120 таси (99,1 %), 113 шахарчанинг 110 таси (97,3 %) табиий газ билан таъминланди. Республикада хонадонларни газлаштириш суръатлари 1991-2016 йилларда олдинги ўн йилликка нисбатан бирмунча пасайган бўлса ҳам, қўшимча салкам 950 минг хонадон табиий газ билан таъминланди. Газлаштирилган хонадонларнинг умумий сони 3896,9 минг тага, шу жумладан, шахар ва шахарчаларда 550,5 минг тага, вилоятлар қишлоқ жойларида 3434,2 минг тага етди.

Газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳам истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Газ тармоқлари ва қурилмалари устидан тегишлича назорат ўрнатилмаганлиги рухсат этилмаган уланишларга, фавкулудда ҳолатлар, табиий газ сизиб чиқиш жойларини ўз вақтида аниқламаслик ва бартараф этмасликка сабаб бўлмоқда, булар эса табиий газнинг асоссиз ва меъёрдан ортиқ йўқотишларига олиб келмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг табиий газдан бўлган қарздорликлари ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри туманлари бўйича 01.01.2015 йилда дебит 8 791 млн сўмни, кредит эса 30 477 млн сўмни сальдо 21 687 млн сўмни ташкил қилган. 01.01.2016 йилда дебет 10524 млн сўмни, кредит эса 20408 млн сўмни, қолдиқ 9885 млн сўмни ташкил қилган(1-жадвал).

1-жадвал

Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг табиий газдан қарздорликлари тўғрисида маълумот (млн сўм)⁷

№	Туманлар номи	1.01.2015 й.га қарздорлик			1.01.2016 й.га қарздорлик		
		Д-Т	К-Т	Сальдо	Д-Т	К-Т	Сальдо
1	Уч тепа	416	1842	1426	723	1	-722
2	Бектемир	138	124	-14	95	159	64
3	Миробод	486	420	-66	938	457	-481
4	М. Улуғбек	1520	4046	2526	1314	2564	1250
5	Олмазор	522	6168	5646	521	3832	3311
6	Сирғали	305	3355	3050	330	6591	6261
7	Чилонзор	341	371	30	551	89	-462
8	Шайхонтохур	2532	287	-2245	2736	291	-2445
9	Юнус-Обод	1972	6453	4481	2479	1766	-714
10	Яккасарой	217	356	139	354	111	-243
11	Яшнаобод	341	7057	6716	483	4548	4065
Жами		8791	30477	21687	10524	20408	9885

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, нархлар ва тарифларни белгилашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

а) уй-жой мулкдорлари, уй-жойни сақлаб туриш ва таъмирлашни амалга оширувчи ва ёки коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва истеъмолчилар иқтисодий манфаатларининг мувозанати;

б) уй-жой ва коммунал хизматларнинг истеъмолчилар учун қулайлиги ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш;


⁷ “Тошкентшаҳаргаз” корхонасининг 2010-2016 йил ҳисоботларидан олинган.

в) хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатларини қоплаш, ишлаб чиқариш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш учун фойда олиш;

Газ саноати корхоналарида ахборот тизимлари фаолият кўрсатишининг таркибий тузилиши тўғрисидаги билимларга тадқиқотларнинг исталган предмет соҳаларида, одатда, фақат ўрганилаётган ходиса ёки объект ҳақидаги кенг қўламли ахборотларни йиғиш, тўплаш, бир тизимга солиш ва таҳлил қилиш натижасида эришиш мумкин.

Диссертациянинг “**Ахборот тизимлари асосида коммунал тўловари ҳисоб-китоблари жараёнларини самарали ташкил этишнинг услубий жиҳатлари**” деб номланган иккинчи бобида коммунал тўловари ҳисоб-китобини амалга оширишнинг ахборот таъминотини ташкил этиш йўллари, мажбурий ижро бюроси давлат хизматчисининг автоматлаштирилган иш ўрнини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари, коммунал тўловари ҳисоб-китобини амалга оширишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий қилиш усуллари ёритилган.


Мамлакатимиз газ тармоғи доирасида тарқоқ ахборот ресурсларини интеграциялашдан олдин минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборотлар билан самарали қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун минтақавий газ етказиб бериш мажмуалари доирасида ахборот тизимлари ташкил этилади. Бунда, интеллектуал интерфейс асосида кирувчи ҳужжатларга ишлов бериш орқали ягона ахборотлар базаси яратилиб, натижада тезкор ахборот оқимлари ўтиши таъминланади(2-расм).



2-расм. “Тошкентшаҳаргаз” филиали ахборот оқимлари ўтишининг технологияси.⁸

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, газ саноати корхоналарида маълумотлар базасининг предмет соҳаси, бир томондан, иктисодий ва ишлаб чиқариш операцияларини белгилаб берувчи ахборот оқимларига, иккинчи томондан эса кундалик ахборот фаолияти жараёнида шаклланадиган ишга оид ахборот оқимларига мос келиши лозим. Бунда, кирувчи хужжатларга ишлов бериш орқали ягона ахборот базаси яратилади. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида назарда тутилаётган интеграл ахборотлар механизми ва табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор доирасида ўзаро ҳисоб-китоблар механизмининг вазифаси газ тизимлари ва объектлари ишлашининг оптимал режимини таъминлашдан иборат (3-расм).



3-расм. “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг ягона оператор доирасида табиий газни етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш механизми⁹

Автоматлаштирилган иш ўринлари таркибида шахсий компьютер (ШК) ўзининг тизимли ва муаммоли дастурий таъминоти билан бирга касбий йўналтирилган, муайян касб мутахассисларининг ишларини автоматлаштириш учун мўлжалланган ва уларнинг иш жойларида тўпланган кичик ҳисоблаш тизимини ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз газ тармоғининг газ етказиб бериш секторида амалий фаолиятга татбиқ этилган ўнлаб автоматлаштирилган иш ўринлари мавжуд бўлиб, бу ҳол ахборот

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оқимларининг ҳажмини ва ўтиш тезлигини сезиларли даражада оширади. “Мажбурий ижро бюроси давлат хизматчиси”нинг автоматлаштирилган иш ўринлари корхонада табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, газ тармоқлари ва қурилмалари устидан назорат қилиш, табиий газнинг асоссиз ва меъёрдан ортиқ йўқотишларини олдини олиш, газ тўловлари ҳисоб-китобини юритиш ва тўловларни ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, ҳисоботларни шакллантириш имконини беради. Шаҳар, вилоят ва туманлар кесимида, маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, абонент картаси, улгуржи ва аҳоли истеъмолчилари бўйича газ сарфи, ўзаро ҳисоб-китобларни текшириш акти ҳақида маълумотлар ҳисоботлар шаклида тайёр ҳолатда ШКдан чоп этиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, автоматлаштирилган ўзаро ҳисоб-китоблар тизимига киритилган ахборотлар асосида 2016 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳар туманлари кесимида жами истеъмол қилинган газ сарфи 70083 м³ни ташкил қилган. Шу жумладан, саноат корхоналари 37775 м³, маиший хизмат кўрсатиш 18918 м³, якка тартибдаги тадбиркорлар эса 13390 м³ табиий газ истеъмол қилинганини кўришимиз мумкин(2-жадвал).

2-жадвал

Тошкент шаҳар туманлари кесимида улгуржи истеъмолчи корхона ва ташкилотлар бўйича газ сарфи(2016 йил 1 январь ҳолатига)¹⁰


№	Туманлар	Умумий истеъмолчилар		Шу жумладан					
				Саноат		Маиший хизмат кўрсатиш		Якка тартибдаги тадбиркорлар	
		Сони	газ м ³	Сони	газ м ³	Сони	газ м ³	Сони	газ м ³
1	Миробод	21	6008	3	3300	10	1858	8	850
2	Мирзо Улуғбек	33	6325	5	3025	16	2050	12	1250
3	Чилонзор	26	4850	4	3100	12	900	10	850
4	Яшнаобод	38	6980	4	4500	18	1230	16	1250
5	Яккасарой	43	6950	3	3200	22	2450	18	1300
6	Шайхонтохур	54	9450	4	4800	24	3200	26	1450
7	Юнусобод	39	5110	2	2500	16	1280	21	1330
8	Олмазор	37	5010	3	2800	14	950	20	1260
9	Сирғали	32	6250	4	3850	12	1100	16	1300
10	Учтепа	44	8150	4	4200	22	2500	18	1450
11	Бектемир	35	5000	3	2500	18	1400	14	1100
	Жами	402	70083	39	37775	184	18918	179	13390

Газ етказиб бериш корхонаси ёки ташкилоти автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг яратилиши иқтисодий-математик усуллар ва ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланишнинг муҳим йўналиши бўлади.

“Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг тезкор ва ҳисобот балансларини тайёрлаш механизми ёрдамида мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона операторнинг шартномалари бўйича ягона ахборот манбаини тайёрлаш, мамлакатимиз

¹⁰“Тошкентшаҳаргаз” корхонасининг 2016 йил ҳисоботидан олинган.

субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона операторнинг газ етказиб бериш балансини тезкор назорат қилишни ташкил этиш, мамлакатимиз субъекти даражасида табиий газни етказиб бериш бўйича ягона оператор - “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг йиғма газ етказиб бериш ҳисоб-китоб баланслари шакллантирилади(4-расм).



4-расм. “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонасининг тезкор ва ҳисобот балансларини тайёрлаш технологияси¹¹

Ахборотлаштириш объекти сифатида табиий газни етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар таркибий тузилишини ҳамда замонавий АКТнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини куришнинг асосий тамойилларини ифодалаш имконини беради:

минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимлари тизим ичида ҳам, вазирликлар, идоралар ва бошқа ўзаро ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан ҳам ахборот алмашувини таъминловчи кўп даражали корпоратив ҳудудий-тақсимлаш ахборот-ҳисоблаш тармоғи сифатида намоён этилади;

минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ишлаб чиқилган иловаларни кам ўзгаришлар билан тизимларнинг кенг диапазонига кўчириш имкониятини, локал ва узоклаштирилган тизимларда бошқа иловалар билан биргаликда ишлаш ва фойдаланувчилар билан тизимдан тизимга ўтишни осонлаштирувчи услубда ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятини таъминловчи очиқ тизимлар технологияларига асосланади;

минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларини шакллантиришда турли йўналишдаги автоматлаштириш воситаларининг жорий этилишини таъминлаш баробарида табиий газни етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг функционал вазифаларини таъминловчи намунавий АКТни ишлаб чиқиш амалга оширилади.

Ахборот тизимларидан ташқари, газни улгуржи ва чакана сотиш учун электрон савдо майдончасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг асосий мақсади - газни сотишнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга хизматлар максимуми кўрсатилишини таъминловчи механизмини яратишдан иборат. Айни пайтда электрон савдо майдончаси оператори ва газнинг бевосита сотувчиси ҳисобланган “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси ишлар буюртмачиси ҳисобланади. Доимий харидорга газ етказиб бериш имкониятларини текшириш, газ етказиб беришнинг эҳтимолий йўналишларини аниқлаш ва оптимал йўналишларини танлаш ҳамда товар-транспорт ишининг қийматини ҳисоблаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этиш учун “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси газ қувурларининг ягона тизими ишлаши учун жавоб берувчи тегишли хизматлар, биринчи навбатда, марказий ишлаб чиқариш-диспетчерлик бошқармаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиши зарур.

Илмий ишнинг **“Коммунал тўловлари ҳисоб-китоб жараёнларини оптимал ташкил қилишда тармоқ технологияларини самарали жорий қилиш йўллари”** деб номланган учинчи бобида коммунал хўжалиги бошқарув бўғинларига ахборот тармоқларини жорий этиш технологиялари, «Gazbilling» автоматлаштирилган ҳисоб-китоб ахборот тизимини коммунал тўловларини амалга ошириш жараёнларига самарали жорий этиш йўллари, ахборот тизимларини коммунал тўловлари жараёнларига жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлик жиҳатлари ёритиб берилган.

Маиший абонентлар тўловларини молиявий таҳлил қилиш ва сотилган табиий газ учун маблағларнинг ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш

бўйича дастурлар мажмуи қўйидагиларни ўз ичига олувчи функционал қисмлар йиғиндисини ўзида намоён этади:

сотилган табиий газ учун пул маблағларининг келиб тушишини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими;

маиший сектор абонентлари томонидан табиий газ ҳақининг тўланиши ва истеъмол қилиниши ҳолати бўйича ахборот-маълумот тизими;

абонентларга хабарномалар ва назоратчиларнинг тўловлар қондасини бузувчи абонентларга ташриф буюриши учун топшириқлар берувчи автоматлаштирилган тизим;

абонентлар ва назоратчилар бўйича тўловлар тафсилотлари ҳақида статистик маълумотларни тўплаш автоматлаштирилган тизими. Тадқиқотда ушбу тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотларимиз натижасида, “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси корпоратив тармоғининг ташкилий тузилиши ишлаб чиқдик. Натижада шаҳар ҳокимияти, “Ўзнефтвергас” холдинг компанияси, “Ўзтрансвергас” АК ва “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхоналарини назорат қилиш ҳуқуқи берилган ташкилотлар, ушбу тармоқга уланиш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг қарздорлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлади. Ушбу тармоқнинг афзаллиги шундан иборатки, “Тошкентшаҳаргаз” филиали корхонаси юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги дебиторлик қарздорлик бўйича ахборотлар тезкор қайта ишланиб, самарали қарорлар қабул қилишга эришилади(5-расм).



5-расм. “Тошкентшаҳаргаз” корхонаси корпоратив тармоғининг ташкилий тузилиши.¹²

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

